

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА НАСИБА АЛИШЕРОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДА ПАРОДОНТ КАСАЛЛИКЛАРИНИ
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.21 - Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юлдашева Насиба Алишеровна

Ҳомиладорлик даврида пародонт касалликларини
даволаш ва профилактикаси..... 3

Юлдашева Насиба Алишеровна

Профилактика и лечение заболеваний пародонта в период
беременности..... 25

Yuldasheva Nasiba Alisherovna

Profilactic and therapy of periodontal disease during pregnancy..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА НАСИБА АЛИШЕРОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДА ПАРОДОНТ КАСАЛЛИКЛАРНИ
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1.PhD/Tib89 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tma.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ирсалиев Хуснутдин Ибрагимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Vikram Blaggana (Ҳиндистон)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аюпова Фарида Мирзаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Шимолий Каролина Университети
(АҚШ)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Фаласафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2 уй. Тел.: (+99871) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш. И. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ЎзР хизмат кўрсатган фан арбоби,
ЎзР ва РФ ФА академиги, т.ф.д., профессор

Р. Д. Суннатов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котибит ф.д., доцент

Х. Ф. Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ)нинг маълумотларига кўра, ҳомиладорликнинг физиологик кечишида пародонт тўқималари касалликлари 90%, олдин интакт бўлган тишларнинг жароҳатланиши кариеснинг ўткир кечиши 38%, ҳомиладорларнинг гингивитлари эса ҳомиладорликнинг 2-3 ойларида 50% ҳолатда кузатилади¹. Ҳомиладорлик шартли патоген микроорганизмлар пролиферациясининг кучайиши ҳисобига оғиз флораси патогенлигини оширади, шу боис пародонт касаллиги ва асоратларининг жадаллиги ортади. Шу боис барча шифокор-стоматолог ва мижозларнинг саъй-ҳаракатлари тишларни реставрациялашга йўналтирилади, аммо нуқсонни пломбалаш бактериялар чақирадиган касалликни даволай олмайди, балки симптоматик даволаш тизими зарур ҳисобланади.

Жаҳонда ҳомиладорлик даврида пародонт касалликларини эрта ташхислаш, комплекс даволаш ва олдини олишда профилактик тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ҳомиладорлик даврида беморларда касалликнинг асосий хусусиятларини асослаш; ҳомиладор аёлларда сўлакнинг микробиологик кўрсаткичларининг эндоген ва экзоген хусусиятлари асосланган; аёлларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида скрининг тизимига жалб қилишни такомиллаштириш, касалликни ташхислашнинг оптимал тактикасини танлаш, ҳомиладорларда гингивит касаллигининг дистрофик ўзгаришлар сабабларини асослаш; ҳомиладорлик даврида пародонтит касаллигининг ирсий мойиллигини хавф омилларини олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш, касалликни ташхислаш ва даволашнинг асоратларини камайитишга қаратилган тизимини ишлаб чиқиш, ҳомиладор аёлларда касалликларни келиб чиқиши ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларни камайитишга алоҳида эътибор қаратиш натижасида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Ҳомиладор аёллар орасида пародонтит касаллигини ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг самарали натижаларини амалга ошириш, касалликларни эрта ташхислаш натижасида ҳомиладор аёлларда пародонтит касаллигини аниқлашга эришилиб, уларнинг патогенетик даволаш мезонлари такомиллаштирилди ва оғир асоратларни олдини олишга эришилди. Шунга қарамасдан, ҳомиладор аёлларда пародонтит касаллигини дифференциал ташхислаш, самарали ва сифатли даволашга йўналтирилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

¹ ЖССТ нинг статистик маълумотлари 2013-2014

стратегияси¹га мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, стоматологик касалликларни олдини олиш ва эрта аниқлаш, замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш беморларнинг ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида»ги, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳомиладор аёлларда асосий стоматологик касалликларнинг кенг тарқалиши ва мунтазам ўсиб бориши катта ижтимоий муаммони келтириб чиқармоқда. (Кузьмина Э. М., 2000; Проходная В. А., 2015; Покровский М. Ю., 2002; Cruz G. D., et al, 2005). Ҳомиладорлик даврида оғиз бўшлиғи флораси патогенлигининг ортиши, бу патогенлик умумий ва маҳаллий иммун тизим омилларининг нохуш таъсири остида ўзгарувчанликка мойил бўлиши стоматологик касалликлар мунтазамлиги ўсиб бормоқда (Lieff S. et al., 2000; Dortbuclak O. et al., 2003; Орехова Н. С. ва бошқ., 2006). Кўплаб тадқиқотларда ҳомиладорликда аёл организмида тишлар мустаҳкамлигининг пасайишига олиб келувчи ўзгаришлар юз бериши, бунинг натижасида турли стоматологик бузилиш патологияларининг миқдори аҳамиятли ортиши айтилади, ҳомиладор бўлмаган аёлларга нисбатан ҳомиладорларда стоматологик касалликларнинг кўп тарқалиши ва жадаллигининг ортишидан далолат берувчи маълумотлар келтирилиб, пародонт, кариесли зарарланишлар, гингивит каби турли хил стоматологик касалликлар кўрсаткичларининг кўпайиб бораётганлиги кўрсатиб ўтилади (Денисенко Л. Н., 2007; Булгаков В. С., 2004; Покровский М. Ю., 2002; Бамудов Б. Р., Алиева З. Б., 2011). Бошқа тадқиқотчилар эса ҳомиладорлик даврида стоматологик касалликлар структурасига бевосита ва билвосита таъсир этувчи омиллар сифатида демографик, ижтимоий мезонлар, ёшга доир, маълумотлилик даражаси, касби, ҳомиладорлик муддати ва сони, умумсоматик патологи-

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

ялар, ирсият, наркотик ва алкогольга тобелик, дори воситаларининг қабули каби омилларни кўрсатадилар.

Ҳомиладор аёллардаги пародонт касаллиги, ташхислаш, профилактикаси ва даволаш усуллари ўрганишга бағишланган ишларнинг кўплигига қарамай, мазкур патологиянинг ўсиб бораётганлиги сақланиб қолмоқда. Шу сабабли янги патогенетик механизмларни аниқлаш орқали умумлашган пародонтитни профилактика қилиш ҳамда самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Бу касаликларни кимётерапия самардорлигини ошириш учун чуқур ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат стоматология институти «Тиш, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг янги усулларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш» илмий тадқиқот ишлари доирасида (2013-2016 йиллар) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладорлардаги пародонтитнинг патогенетик механизмларини аниқлаш орқали профилактик ҳамда даволаш самардорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладорликнинг турли муддатлари ва туғруқдан кейинги даврларда пародонтитнинг тарқалганлик даражасини аниқлаш;

ҳомиладорликнинг турли муддатлари ва туғруқдан кейинги даврларда пародонт микроциркуляцияси кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

ҳомиладорликнинг ривожланиш динамикасида пародонтит билан касалланган аёллардаги ПОЛ-АОС жараёнларини асослаш;

ҳомиладорликнинг ривожланиш динамикасида оғиз бўшлиғи микрофлораси таркибини таҳлил қилиш;

гомеостаз локал кўрсаткичларининг аниқланган хусусиятлари асосида ҳомиладорлардаги пародонтитнинг дифференциал профилактикаси ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш;

ҳомиладорлик кечишида ва туғруқдан кейинги даврда пародонтитнинг клиник тавсифий хусусиятларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳомиладорликнинг барча даврлари ва ҳомиладорликдан кейинги даврларда танлаб кузатилган 549 нафар аёл танланган бўлиб, пародонт ҳолати ҳомиладорликнинг 30-, 90-, 180- ва 270-кунларида ҳамда ҳомиладорликдан кейинги эрта даврда баҳоланган.

Тадқиқот предмети ҳомиладорлик даврида пародонт касаллигини ташхислаш ва даволашда пародонт, оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати комплекс таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот вазифаларни бажаришда клиник, гигиеник, биокимёвий, микробиологик, ЛДФ (микроциркуляцияни баҳолашда) ва башоратлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аёлларда ҳомиладорликнинг 30-, 90-, 180- ва 270-кунларида пародонтит ривожланишидаги қисқа ва кенг тармоқли тарқалган шаклларида оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватларидаги салбий ўзгаришлар асосланган;

ПОЛ-АОС жараёнлари кўрсаткичларини аниқлаш орқали яллиғланган-деструктив зарарланишларнинг оғирлиги, даво чоралари ва генерализацияланган пародонт зарарланишининг олдини олиш самарадорлиги исботланган;

ҳомиладорларда оғиз бўшлиғи пародонтитининг олдини олишга қаратилган профилактик даволаш усули ишлаб чиқилган;

пародонтит ривожланишининг аниқланган патогенетик механизмлари орқали ҳомиладорларда пародонтит касаллигини даволаш самарадорлиги тақомиллаштирилган;

ҳомиладорларда пародонтит касаллигини олдини олишда микробларга қарши микроциркуляцияни яхшилаш ҳамда даволашга замонвий ёндошув шакллантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тавсия этилган даволаш тизими ҳомиладорликнинг турли муддатлари ва туғруқдан кейинги даврларда пародонтитнинг тарқалганлик даражасини баҳолаш тартибини ўрганиш ва олдини олишни тақомиллаштиришга ёрдам берган;

ҳомиладорликнинг турли муддатлари ва туғруқдан кейинги даврларда пародонт микроциркуляцияси кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имкони берган;

пародонтитнинг олдини олиш бўйича таклиф этилган дифференциал ёндашув пародонтнинг генерализацияланган яллиғланиш-деструктив зарарланишлари ривожланишини олдини олиш, антибактериал дори воситаларини асоссиз қабул қилмаслик имконини берган;

олинган натижалар асосида ҳомиладорлардаги пародонтни комплекс даволаш усули ишлаб чиқилган. Усулнинг қўлланилишида олинган ижобий натижалар тизимли бузилишларни ўз вақтида коррекциялаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, клиник, гигиеник, биокимёвий, микробиологик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, ҳомиладорлик даврида пародонтит касаллигини ташхислаш ва башоратлаш мезонларни тақомиллаштиришда статистик усуллардан фойдаланилганлиги, касалликнинг ўзига хос кечишини баҳолашда хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳомиладорлик пародонтит касаллигининг ривожланиш механизмларини аниқлаш, касалликни даволашнинг замонавий механизмлари ишлаб чиқилган, олдини олиш бўйича таклиф этилган дифференциал ёндашув пародонтнинг генерализацияланган яллиғланиш-деструктив зарарланишлари ривожланишини олдини олиш, антибактериал дори воситаларини асоссиз қабул қилмаслик имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида ҳомиладорлардаги пародонтни комплекс даволаш усули ишлаб чиқилган. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ўзгаришлари оқибатида яллиғланиш даражасининг замонавий тизими ишлаб чиқилиб, инфракизил нурлари ёрдамида пародонтитнинг яллиғланишга қарши тизими такомиллаштирилиб, милкларнинг пародонтит тўқималарнинг шиш, гиперемияларнинг олдини олиш қўлланилишида олинган ижобий натижалар тизимли бузилишларни ўз вақтида коррекциялаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Ҳомиладорлик даврида пародонтит касалликларининг олдини олиш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Пародонт касалликларининг индивидуал хавф омилларини башоратлаш асосида ҳомиладорларга даво-профилактик стоматологик ёрдамни оптималлаштириш» номли услубий қўлланмаси соғлиқни сақлаш амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 8н-д\79-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ҳомиладорлик давридаги аёлларда пародонтит касаллиги сабабларини эрта ташхислаш, аниқлаш ва касаллик асоратларининг олдини олиш чоратадбирларини амалга оширишга имкон берган;

Ҳомиладорлик даврида пародонтит касаллигини ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳри Олмазор тумани кўп тармоқли поликлиникаси ва Тошкент вилояти Перенатал маркази клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 20 ноябрдаги 8н-з\36-сон маълумотномаси).

Олинган тадқиқотларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши натижасида ҳомиладорлик давридаги ремиссия муддатларини узайтириш ва туғруқдан кейинги даврларда пародонтит касаллигининг яллиғланиш-деструктив жараёнларининг чуқурлашувини 4 баробар камайитириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та макола, жумладан, 15 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларини илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳомиладорликда стоматологик саломатлик ва унинг ёмонлашув сабаблари»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган. Унда ҳомиладорлик даврида пародонт тўқималарининг клиник-функционал ўзгаришлари ҳақида замонавий маълумотлар келтирилган, шунингдек, ҳомиладор аёллар оғиз бўшлиғидаги микробиологик, иммунологик ва биохимик ўзгаришларининг батафсил таҳлил этилган ҳамда ҳомиладор аёллардаги стоматологик касалликларнинг профилактикаси ва даволаш масалалари ёритилган. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиётлар таҳлили асосида жиддий ёндашувни талаб қилувчи бир қатор масалалар аниқланган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзу ўрганилишининг зарурати асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Ҳомиладорликда пародонтит касаллигини аниқлаш материал ва усуллариининг умумий тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва услублари ёритилган. Махсус ишлаб чиқилган индивидуал карта ёрдамида 18 ёшдан 36 ёшгача бўлган 549 нафар аёл кўрикдан ўтказилди, шунингдек, бирламчи тиббий хужжатлардан нусха кўчирилган (025; 113/4 шакллари). Пародонт тўқимасининг ҳолати ЖССТ/FDI экспертлари томонидан аҳоли ўртасида эпидемиологик стоматологик текширувлар ўтказиш учун ишлаб чиқилган коммунал пародонтал индекс (CPI) ёрдамида аниқланди.

Ҳомиладорлик ривожланишидаги пародонт ҳолати 132 нафар аёлда ҳомиладорликнинг I триместрида; 110 нафар аёлда II триместрда; 95 нафар аёлда III триместрда ва 90 нафар аёлда туғруқдан кейинги илк даврда баҳоланди. Таққослаш гуруҳи ижтимоий-иқтисодий ҳолатдаги ва таққослаш ёшидаги 50 нафар ҳомиладор бўлмаган аёлдан иборат бўлди.

Ҳомиладорлик даврида пародонт касаллиги ривожланишининг асосий патогенетик механизмлари хусусиятларини аниқлаш мақсадида пародонтитнинг клиник симптомлари, микроциркуляцияси, микробиологик ва биокимёвий ривожланиш механизмларининг интакт пародонт, гингивит, кенг

тарқалган пародонтитнинг енгил даражаси (КТПЕД), кенг тарқалган пародонтитнинг ўртача оғирлик даражаси (КТПЎОД) ҳамда кенг тарқалган пародонтитнинг оғир даражаси (КТПОД) билан қиёсий таҳлили ўтказилди.

Даволаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида клиник даволашнинг самарадорлиги, шунингдек, даволанишдан кейинги илк даврларда ҳомиладорликнинг III триместри ва туғруқдан кейинги муддатларда пародонт касаллиги ривожланишининг асосий патогенетик механизмлари ҳолати қиёсий баҳоланди. Пародонтни даволаш тадбирлари ҳомиладорликнинг 13- ва 16-ҳафталари оралиғида, яъни II триместрда ўтказилди.

Таққослаш гуруҳи ($n=30$) ўртача $26,48 \pm 1,15$ ёш бўлган ҳомиладорлардан ташкил топди ва уларга генерализацияланган пародонт ремиссиясига эришишга қаратилган индивидуал гигиеник қоидалари, касбий гигиена, пародонтал чўнтакчалар кюретажи ҳамда даволовчи чайқаш қоидалари ўргатилди.

Асосий гуруҳни ($n=87$) индивидуал гигиеник усулларида ташқари касбий гигиена ўрганган, сурункали кенг тарқалган пародонтит (СКТП) ремиссиясига эришиш учун қўшимча медикаментоз даво ўтказилган ҳомиладор аёллар ташкил қилиб, улар ўз навбатида, 3 та гуруҳга ажратилди: 1-асосий гуруҳ ($n=29$) (ўртача ёши $26,55 \pm 1,31$ бўлган) қўшимча равишда ҳимоя-фиксацияловчи боғламлар ости милк четига аппликация кўринишида актовегин суртмаси тайинланган ҳомиладорлардан иборат бўлди; 2-асосий гуруҳни ($n=28$) (ўртача ёши $27,00 \pm 1,31$ бўлган) қизил ва инфрақизил светодиодларнинг кетма-кет таъсир этишини таъминловчи «Дюна-Т» аппарати билан зарарланиш ўчоқларига дистанцион фототерапия ўтказилган ҳомиладорлар ташкил этди; 3-асосий гуруҳни ($n=30$) (ўртача ёши $26,76 \pm 1,23$ бўлган) актовегин суртмали аппликациялар қўйилгунга қадар фототерапия учун мўлжалланган «Дюна-Т» аппарати билан зарарланиш ўчоқлари контактсиз дистанцион фототерапия амалиёти бажарилган ҳомиладорлар ташкил этди.


Милк шиллиқ пардасидаги қон микроциркуляцияси текшируви лазерли доплер флоуметрия (ЛДФ) ёрдамида амалга оширилди. Унда «ЛАКК-01» (НПП «ЛАЗМА») юза капилляр қон оқими анализаторидан фойдаланилди.

Оғиз суяқлиги ва қон зардобидидаги ёғларнинг периксли оксидланиши (ЁПО) жадаллиги хемилюминесценция (ХЛ) микдори ва малондиальдегид (МДА) концентрацияси бўйича баҳоланди. ХЛ фаоллиги хемилюминесцент усул ёрдамида ХЛМ1Ц-01 мосламасида (Россия), МДА концентрацияси спектрофотометрик усул ёрдамида СФ-46 спектрофотометрида (Россия), антиоксидант тизим (АОТ) нинг функционал ҳолати КТ, СОД ва ГП фаоллиги бўйича СФ-46 спектрофотометри ёрдамида аниқланди.

Оғиз бўшлиғи микробиологик текширувлари барча ҳомиладорларда ўтказилди. Бунда қатор серияли аралашмалар тайёрланди ва юқори селектив дифференциал-диагностик озуқа муҳитига экилди. Пародонтал чўнтаклардан олинган микрофлора таркиби стерил қоғоз эндодонтик штифтлар ёрдамида (ўлчамлари А-10-25) ПЗР усулида детектирловчи амплификсатор «ДТ-96» ва ООО «НПО ДНК-Технология» (Россия) реагентлари комплексидан фойдаланган ҳолда аниқланди.

Олинган натижаларга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилди. Шундан келиб чиқиб, ўртача қийматлардаги фарқлар ишончилиги Стьюдент мезони бўйича 95% асослилик интервалида баҳоланди ($P < 0,05$).

Диссертациянинг «**Пародонтнинг ҳомиладорлик турли даврларидаги клиник-патогенетик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ҳомиладорлардаги пародонт оғир яллиғланишли-деструктив зарарланишни акс эттирувчи секстантлар сони CPITN-индекси кўрсаткичларига асосан кескин ортган. Масалан, 0 коди кўрсаткичи назоратдагига нисбатан I триместрда 31,3%га ($P < 0,01$); II триместрда 49,4% га ($P < 0,01$) ва 3 триместрда 65,6% га ($P < 0,01$) пасайди. 1 коди динамикаси I ва II триместрда, тегишлича, 61,5% ($P < 0,01$) ва 7,7% га ($P > 0,05$) ортган, III триместрда эса 29,2% га камайган ($P < 0,01$). Бундай динамика амалий жиҳатдан тушунарли бўлиб, ҳомиладорликнинг II ва III триместрларида қон оқиши ўрнига тиш тошлари, тиш-милк чўнтакчалари ва секстантларнинг мавжуд эмаслиги қайд этилди. 2 коди (тиш тоши) қиймати I триместрда 16,0% га ($P < 0,01$), II триместрда 38,9% га ($P < 0,01$) ва III триместрда 60,0% га ($P < 0,001$) ошди. 3 кодининг мос келиш динамикаси (чўнтак 4-5 мм) 43,8% ($P < 0,01$), 293,7% ($P < 0,01$) ва 462,5% ни ($P < 0,001$) ташкил этди.



1-расм. Ҳомиладорларда CPITN индекси кўрсаткичлари (туғруқдан кейинги илк даврга нисбатан % ҳисобида)

Бунда II ва III триместрларда ҳисобга олинмаган ва назоратда бўлмаган секстантлар (X коди) қайд этилди, бу эса ҳомиладорларда кариес ва пародонт касаллиги оқибатида тишларни йўқотишнинг кучайишини кўрсатди.

Қайд этиш лозимки, ҳомиладорликдан кейинги дастлабки ойлардаги пародонт ҳолати ҳомиладорликнинг II триместри кўрсаткичларига нисбатан бирмунча яхшиланди, аммо I триместр кўрсаткичларидан юқориликча ($P < 0,05$) қолди.

Ҳомиладорлик даврида тиш-милк мустаҳкамлигининг йўқолиш индекси (3- ва 4-код) туғруқдан кейинги даврдагига нисбатан юқори, тиш тошлари сонидан эса (2-код) сезиларли ўзгаришлар йўқ.

Интактли пародонт билан касалланган ҳомиладорларда I триместрда гигиеник индекс ҳомиладор бўлмаган аёллар кўрсаткичидан 37,5% га ($P<0,01$); РМА 109,10% га ($P<0,01$); КПИ 12,2% га ($P>0,05$); қонаш 55,56% ($P<0,01$) ва тишларнинг қимирлаши 36,36%га ($P<0,01$) ошди. Интакт пародонт даврида ҳомиладорлик муддатининг ошиши билан яллиғланиш ҳолатларининг кучайиши қайд этилди.

Туғруқдан кейинги илк даврда пародонт ҳолатининг индекс кўрсаткичлари бирмунча пасайди, аммо интакт пародонт кўрсаткичлари ва ҳомиладорликнинг I триместри қийматларига етмади.

Гингивит билан касалланган ҳомиладорларда ҳомиладорликнинг I триместридаёқ ОНІ-S индекс кўрсаткичи ҳомиладор бўлмаган аёллардаги худди шундай индекс кўрсаткичларидан 30,2%га; РМА 70,8% га, КПИ индекси 38,8% га; қонаш индекси 38,3% га ва тишларнинг қимирлаш индекси 33,3% га ($P<0,01$) ошди. Шунга мос равишда, II триместрда кўрсаткичларнинг ортиши 98,2%, 117,7%, 84,87%, 77,8% ва 42,9% ни ташкил этди. III триместрда эса, мос равишда, 160,5% ($P<0,001$), 169,5%, 98,0%, 132,1% ва 61,9% ни, туғруқдан кейинги илк даврда бўлса, тегишлича, 105,6%, 125,2%, 82,2%, 67,7% ва 47,5% ни ташкил этди (барча кўрсаткичлар учун $P<0,01$ - $P<0,001$).

КТПЕОДда ҳомиладорликнинг I триместрида ОНІ-S индекс кўрсаткичи ҳомиладор бўлмаган аёллар кўрсаткичларидан 20,5% га ($P<0,05$), РМА индекси 68,1% га, КПИ индекси 35,6% га, қонаш индекси 31,7 га ҳамда тишларнинг қимирлаш индекси 72,7% га кўтарилди. II ва III триместрларда бу ўзгаришлар яққол ифодаланди ва, мос равишда, 53,6%, 101,6%, 52,5%, 171,5% ва 126,5% ни ташкил қилди. III триместрда эса, тегишлича, 91,4%, 164,1%, 103,6%, 182,9% ва 162,5% ($P<0,05$ - $P<0,01$)дан иборат бўлди. Туғруқдан кейин пародонтнинг яллиғланишли деструктив зарарланиши соғаймаганлиги қайд этилди: ОНІ-S кўрсаткичи ҳомиладор бўлмаган аёллар кўрсаткичидан 56,3% га, РМА 106,6% га, КПИ 54,5% га, қон оқиши 87,8% га ва тишларнинг қимирлаши 130,1% га ($P<0,001$) ошди ($P<0,001$ - $P<0,01$).

Пародонтнинг яллиғланишли-деструктив зарарланиш даражасининг оғирлиги ортгани сайин ҳолат янада мураккаблашди. КТПЎОДли ҳомиладорларда I триместрдаёқ ОНІ-S индекс кўрсаткичи ҳомиладор бўлмаганлар кўрсаткичидан 30,2% га, РМА 50,4% га, КПИ 23,4% га, қон оқиши 28,7% га ва тишлар қимирлаши 28,0% га ошгани маълум бўлди. Ҳомиладорликнинг II триместрида ўзаро нисбат кўрсаткичлари 42,9%, 83,6%, 52,0%, 67,0% ва 54,7% дан иборат бўлди. III триместрда, мос равишда, 66,4%, 105,5%, 83,3%, 107,5% ва 84,7% ни ташкил этди. Туғруқдан кейинги даврда эса, тегишлича, 46,8%, 81,1, 55,2%, 49,5% ва 70,6% ни, яъни $P<0,01$ - $P<0,001$ ни ташкил этгани кузатилди.

КТПОДли ҳомиладорликнинг I триместрда ОНІ-S индекс кўрсаткичлари ҳомиладор бўлмаган аёллардаги шундай кўрсаткичлардан 23,6% га, РМА 26,6% га, КПИ 21,3% га, қон оқиши 31,3% га ва тишларнинг қимирлаши 36,3% га ($P<0,01$) кўтарилди. Тегишли ўзаро нисбатлар II триместрда, мос равишда, 41,2%, 48,6% 39,9%, 69,2% ва 68,4% ни; III триместрда 41,2% ($P<0,01$), 61,6% ($P<0,01$), 65,5 ($P<0,01$), 89,9% ва 75,4% ни; туғруқдан кейин-

ги даврда, мос равишда, 29,9%, 26,7%, 47,5%, 81,3% ва 66,1% ни ($P<0,01$ - $P<0,05$) ташкил этди.

Ҳомиладорларда микротомирлар вазомотор фаоллигининг пасайиши вариация коэффиценти (K_v) камайиши бўйича қайд этилди ва бу ҳомиладорликнинг I, II, III триместрлари ҳамда туғруқдан кейинги илк даврда, мос равишда, 4,2% ($P>0,05$), 5,8 ($P>0,05$), 16,9% ($P<0,05$) ва 5,7% ни ташкил қилди. Ҳомиладорлар интакт пародонти микроциркуляция тизимида қон оқи-ми модуллари ни бошқариш самарадорлигининг пасайиши қайд этилди, бу ИФМ фаол ва нофаол қон оқими модуляцияси механизмларининг нисбатига кўра аниқланди. ИФМ пасайиши I триместрда 8,3% ни ($P>0,05$), II триместрда 10,4% ни ($P>0,05$) ни, III триместрда 13,2% ни ($P>0,05$) ва туғруқдан кейинги даврда 11,1% ни ($P>0,05$) ташкил этди.

Гингивит ташхиси клиник жиҳатдан тасдиқланган ҳомиладорларда ҳомиладор бўлмаган аёлларга нисбатан ПМ кўрсаткичларининг пасайиши ҳомиладорликнинг I, II, III триместрларида ва туғруқдан кейинги даврда, мос равишда, 6,1%, 11,8%, 16,7% ва 11,2% ($P>0,05$) дан иборат бўлди; Σ нинг мос динамикаси 5,8% ($P>0,05$), 32,6% ($P<0,05$), 50,0% ($P<0,01$) ва 33,1% га ($P<0,01$); вариация коэффиценти 13,3%, 23,9%, 39,3% ва 20,3 % га; ИФМ флаксмоцияли индекси 17,2%, 23,8%, 47,5% ва 24,6% га тенг бўлди (барча ҳолатлар учун $P<0,01$ - $P<0,05$).

КТПЎД ва КТПОДли беморларда микроциркуляциянинг оғир бузилишлари қайд этилди, бунга тўқималардаги қон айланишининг бузилиши сабаб бўлди. КТПЎДда σ кўрсаткичи I триместрда ҳомиладорларда ҳомиладор бўлмаган аёлларга нисбатан 15,2% га, II триместрда 22,1% га, III триместрда 46,5% га пасайди. Бунда туғруқдан кейинги даврда ПМ кўрсаткичларининг ҳам 16,2% га ($P<0,05$) пасайиши сақланиб қолди; мос равишдаги пасайишлар 10,5% ($P>0,05$), 22,1% ($P<0,05$), 42,0% ($P<0,01$) ва 30,9% ($P<0,01$); вариация коэффицентида 11,0% ($P>0,05$), 24,0% ($P<0,05$), 30,7% ($P<0,001$) ва 21,8 ($P<0,05$); ИФМда бўлса 25,2%, 34,6%, 60,8% ва 50,5% ($P<0,001$ - $P<0,01$) га тенг бўлди.

КТПОДли беморларда пародонт микроциркуляцияси кўрсаткичларининг мос динамикаси қуйидагиларни ташкил қилди: ПМ кўрсаткичи ҳомиладор бўлмаган аёлларга нисбатан ҳомиладорларда I триместрда 24,3% га, II триместрда 33,2% га, III триместрда 44,9% га ва туғруқдан кейинги даврда 30,2% гача пасайди. Σ кўрсаткичи, мос равишда, 16,7%, 27,4%, 46,4% ва 30,4% гача; вариация коэффиценти 11,2%, 19,6%, 43,2% ва 25,2% гача; ИФМ 33,0%, 45,1%, 63,7%, 58,2% гача пасайди ($P<0,01$ - $P<0,05$).

Интакт пародонтли ҳомиладорларда ҳомиладорлик муддати ортиши баробарида ортиб боровчи $АНФ/3\sigma \cdot 100\%$ пассив нафас ва $АСФ/3\sigma \cdot 100\%$ пульс амплитудаларининг пасайиши кузатилди. Пульс флюктуацияларининг динамикаси, мос равишда, 12,2% ($P>0,05$), 18,3% ($P<0,05$), 23,9% ($P<0,05$) ва 13,7% ($P>0,05$) ҳамда кардиоритмда 5,1% ($P>0,05$), 15,5% ($P>0,05$), 24,8% ($P<0,05$) ва 10,87% ни ($P>0,05$) ташкил этди.

КТПЕДли ҳомиладорларда эндотелиал ритмларнинг пасайиши ҳомиладор бўлмаганларга нисбатан I триместрда 15,6%, II триместрда 22,0%, III триместрда 31,1% ва туғруқдан кейин 20,0% ни ташкил этди. Микротомирлар миоген фаоллигининг мос динамикаси 11,0%, 19,9%, 27,3% ва 18,8%; пульс ритмлари 10,8%, 15,6%, 41,6% ва 20,5%; нафас ритмлари 13,1%, 21,1%, 37,0%, 21,7% дан ($P<0,01$ - $P<0,05$) иборат бўлди.

Қон оқими модуляциясининг гемодинамик механизмлари амплитуда-частотали характеристикасининг динамик назорати шуни кўрсатдики, КТПЎОДли ҳомиладорларда $A\alpha/3\sigma \cdot 100\%$ пасайиши ҳомиладор бўлмаган аёлларга нисбатан I триместрда 16,8% ни, II триместрда 26,3% ни, III триместрда 36,7% ни ва туғруқдан кейинги даврда 28,8% ни ташкил этади. Микротомирлар миоген фаоллигининг мос динамикаси 12,5%, 16,4%, 24,6% ва 18,6% дан иборат бўлди; нафас флаксмоциялари даражаси динамикаси 14,4%, 27,4%, 34,8% ва 26,5% ни; пульс ритмлари динамикаси 16,5%, 26,6%, 37,5%, 21,9% ни ($P<0,01$ - $P<0,05$) ташкил қилди.

Оғир даражали пародонтитда барча ритмлар амплитудаси интакт пародонтга нисбатан 2,33 ва 3,5 мартага пасайди.

Амалий жиҳатдан соғлом пародонтли ҳомиладорларда ҳомиладорликнинг I триместрида ЁПО – АОТ ва ХЛ кўрсаткичлари ҳомиладор бўлмаган интакт пародонтли аёлларга нисбатан 11,2% ва 16,3% га ортгани қайд этилди. Бир вақтнинг ўзида қарама-қарши таъсир кўрсатувчи ферментлар АОТ-КТ, ГТ ва СОДнинг 14,5%, 11,3% ва 6,4% ($P<0,5$) га компенсатор кўпайиши кузатилди. Ҳомиладорликнинг II триместрида ХЛ назорат кўрсаткичларига нисбатан 22,7%, МДА 36,60%, III триместрда, мос равишда, 48,7% ва 42,5% ($P<0,01$ - $P<0,01$) га ошган; каталаза фаоллиги назорат кўрсаткичларига нисбатан II триместрда 12,2% ошган ва III триместрда 7,1% ($P<0,05$) га камайган. ГТнинг айни шундай динамикаси 0,6% ($P>0,05$) ва 2,2% га ($P>0,05$) тенг бўлди. СОД фаоллиги эса назорат кўрсаткичларига нисбатан II триместрда 3,8% ($P>0,05$), III триместрда 14,4% га ($P>0,05$) пасайган.

Ҳомиладор бўлмаган аёллардаги гингивитда ЁПО кўрсаткичларининг ХЛ назорат кўрсаткичларига нисбатан бир вақтнинг ўзида 40,5% ($P<0,01$) га ва МДА 21,8% га ортиши билан қаршилиқ кўрсатувчи АОТ ферментларининг КТда 40,3%, КТПда 39,5% ва СОДда 35,3% ортиши содир бўлганда ҳам антиоксидант ҳимоя ресурси сақланади. ЁПО-АОТ тизимидаги бундай баланс гингивал яллиғланишнинг нисбий турғунлашувини таъминлайди. ГПЛСли ҳомиладор бўлмаган аёлларда ХЛ назорат кўрсаткичига нисбатан 131,5% га ($P<0,01$), ҳомиладорларда эса 197,4% га ошиб, бу ҳомиладор бўлмаганлардаги шунга мос 46% га юқори бўлди. II триместрда мос динамика 234,3% ва 44,2% ни, III триместрда 237,6% ва 61,8% ни ($P<0,001$; $P<0,01$) ташкил этди.

Ҳомиладор бўлмаган аёллардаги ГПЛСда МДА миқдори 2,8% га ($P<0,01$) ошган, ҳомиладорларда I триместрда назорат кўрсаткичларига нисбатан 49,2% га ($P<0,01$); ортган. Ҳомиладор бўлмаганлар кўрсаткичларига

нисбатан 8,5% ни ($P>0,05$); мос равишда, II триместрда 82,6% ($P<0,01$) ва 37,4% ни ($P<0,01$); III триместрда 116,3% ($P<0,001$) ва 62,8% ни ($P<0,01$) ташкил этди.

АОТ ферментлари фаоллигининг назорат кўрсаткичларига нисбатан пасайиши КТПЕДли ҳомиладор бўлмаган аёлларда: КТ 5,7%ни, КТП 7,2%ни ($P>0,05$) ва СОД 4,0% ни ($P>0,05$) ташкил қилди. Ҳомиладорларда тегишли кўрсаткичларнинг назорат кўрсаткичларига нисбатан камайиши I триместрда 27,3% ($P<0,01$), 13,9% ($P>0,05$) ва 13,1% ($P>0,05$); II триместрда 36,3, 18,9 ва 9,5%; III триместрда 37,3%, 33,7% ва 39,7% дан ($P<0,01$) иборат.

КТПЕДли ҳомиладорларда АОТ ферментлари фаоллигининг КТПЕДли ҳомиладор бўлмаган аёллар кўрсаткичларига нисбатан пасайиши аниқланган: ҳомиладорликнинг I триместрида КТ 23,1% ($P<0,01$), КТП 7,7% ($P>0,05$), СОД 10,6% га ($P>0,05$) камайган; II триместрда КТ 32,6% ($P<0,05$), КТП 13,1% ($P>0,05$), СОД эса 27,4% га ($P<0,05$) пасайган; III триместрда пасайиш сезиларли бўлди ва мос равишда 33,7%, 28,9% ва 61,2% ни ($P<0,01$) ташкил қилди.

КТПЎОД ва КТПОДда ЁПО-АОТ тизимининг таҳлили КТПЕДдаги ҳомиладорлар пероксидация тизими дисбаланси ёмонлашув жараёнларини аниқлаб берди. Туғруқдан кейинги даврда ЁПО-АОТ тизимида аниқланган дисбаланснинг тикланиш динамикаси кузатилди. Аммо интакт пародонтли аёлларда ҳам ҳомиладорлик даврида издан чиққан ЁПО-АОТ мос келмади.

Микробиологик текширувлар ҳомиладорликнинг I триместрида лактобактериялар концентрациясининг назорат кўрсаткичларига нисбатан 6,8% га ($P>0,05$); II триместрда 11,0% га ($P>0,05$) ва III триместрда 15,3% га ($P<0,05$); туғруқдан кейин 10,2% га ($P>0,05$) пасайишини кўрсатди. Стрептококк саливариус ва сангус динамикаси, мос равишда, 6,0% ($P>0,05$) ва 1,0% ($P>0,05$); 10,1% ($P>0,05$) ва 7,7% ($P>0,05$); 14,0% ($P>0,05$) ва 12,2% ($P<0,05$); туғруқдан кейинги даврда эса 11,0% ($P>0,05$) ва 5,4% га ($P<0,05$) тенг бўлди.

Интакт пародонтли ҳомиладорлардаги митис стрептококки титри ҳомиладорлик даврида 3,0%, 7,3% ва 12,0% га ортди ($P>0,05$); назорат гуруҳи кўрсаткичлари ва туғруқдан кейинги давр кўрсаткичларидан 3,4% га ($P>0,05$) юқорилигича қолди; мутанс стрептококкига тегишли динамика яққол ифодаланди ва мос равишда 5,0% ($P>0,05$), 15,4%, 32,1% ва 16,3% дан ($P<0,05$) иборат бўлди; эпидермал стафилококк ва кандида замбуруғларининг шартли-патоген турлари титрларининг тегишлича ортиши эпидермал стафилококка 2,2% ($P>0,05$), 7,2% ($P>0,05$), 11,9% ($P>0,05$) ва 5,0% дан ($P>0,05$); кандида замбуруғлари 6,6% ($P>0,05$), 7,2% ($P>0,05$), 21,1% ($P<0,05$) ва 9,6% ($P>0,05$)дан ташкил топди. Ҳатто интакт пародонтда ҳам ҳомиладорлар оғиз суюқлигида ушбу биотопларга хос бўлмаган микроорганизмлар пайдо бўлади, масалан, I триместрда тилларанг стафилококк $0,12\pm 0,004$ КОЕ /мл миқдоридан кузатилди (назоратда мавжуд бўлмаганда); II триместрда $0,22\pm 0,01$ КОЕ /мл, III триместрда $0,41\pm 0,02$ КОЕ /мл ва туғруқдан кейинги даврда $0,26\pm 0,01$

КОЕ /млн ташиқил қилди; эшерихияларга тегишли динамика $0,4 \pm 0,005$; $0,25 \pm 0,01$; $0,32 \pm 0,01$ ва $0,20 \pm 0,005$ КОЕ /мл; протейлар эса, мос равишда, $0,22 \pm 0,01$; $0,32 \pm 0,008$; $0,40 \pm 0,01$ ва $0,30 \pm 0,01$ КОЕ /мл ни ташиқил этди.

Ҳомиладорларда гингивитида ҳомиладор бўлмаганларда лактобактериялар титрининг назорат кўрсаткичларига нисбатан пасайиши 8,47% ни ($P < 0,05$); ҳомиладорликнинг I триместрда 14,4% ни ($P > 0,05$); II триместрда 18,6% ни ($P < 0,05$) ва III триместрда 25,0% ни ($P < 0,05$); туғруқдан кейинги илк даврда 13,1% ни ($P > 0,05$) ташиқил қилди; бунда текширувларнинг тегишли муддатларда лактобактериялар титри гингивитли ҳомиладор бўлмаганлар лактобактерияларига нисбатан мос равишда, 6,8% ($P > 0,05$), 11,1% ($P > 0,05$), 18,1% ($P < 0,05$) ва 5,1% га ($P > 0,05$) пасайган.

Бунда ҳомиладорликнинг II триместрида мутанс ва митис стрептококклари титри статистик ишончли 27,2% ($P < 0,05$) ва 49,32% ($P < 0,01$) тартибда назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори бўлди. Ҳомиладор бўлмаган аёллар оғиз суяқлигидаги аналогик титрлар, мос равишда 16,1% ($P < 0,05$) ва 16,6% ($P < 0,05$) ни ташиқил этди. Бу гуруҳлар микроорганизмларининг экологик аҳамияти ҳисобга олинса, оғиз бўшлиғи гигиенасининг пастлиги ва кариеснинг юқори даражаси яққол намоён бўлди.

Оғиз бўшлиғи дисбиозининг ривожланиши ва зўрайиши пародонт зарарланиши даражасига бевосита боғлиқ. Масалан, соғлом пародонтли ҳомиладорларда дисбиоз 10,0-77,4%; КТПЎОД ҳамда КТПОДли аёлларда 100% ҳолатда учрайди. Оғиз бўшлиғи микрофлорасининг таркиби ва сифати ҳам ўзгаради. Интакт пародонтли ҳомиладор бўлмаганларда (А.а.) топилиши $5,0 \pm 4,8\%$ ни ташиқил қилди; интакт пародонтли ҳомиладорларда эса I триместрда ушбу микроорганизмнинг аниқланиш частотаси $6,67 \pm 4,56\%$; II триместрда $11,11 \pm 6,08\%$ ва III триместрда $16,0 \pm 7,32\%$ дан иборат бўлди ($P.g.$) тегишлича 10,06% ҳомиладорларда аниқланган частоталарга $16,67 \pm 4,56\%$; $18,52 \pm 6,09\%$ ва $20,0 \pm 5,4\%$ нисбатан; аналогик нисбат ($P.i.$) 5,0% га тенг бўлди $13,33 \pm 6,21\%$; $11,11 \pm 6,09\%$ ва $20,0 \pm 8,0\%$ нисбатан; *T. denticola* (*T.d.*), *T. forsythensis* (*T.f.*) интакт пародонтда аниқланмади. Уларнинг аниқланиш частотаси интакт пародонтли ҳомиладорларда, мос равишда, I, II ва III триместрларда $3,33 \pm 3,28\%$, $7,40 \pm 4,78\%$, $8,0 \pm 5,42\%$ ва $3,33 \pm 3,28\%$; $7,40 \pm 4,78\%$ ва $12,0 \pm 6,0\%$ ни ташиқил этди.

Яллиғланишли-деструктив жараён зўрайганда иккиламчи колонизацияни таъминловчи ва пародонт тўқималарининг деструктив зарарланишининг ривожланишини таъминловчи *P.gingivalis*, *P.intermedia* ва *T. Forsythensis* ларнинг аниқланиш частотаси кескин ортди. КТПЕДли ҳомиладор бўлмаганларда *P.gingivalis* $50,0 \pm 8,9\%$ ҳолатда; КТПЎОД – $55,0 \pm 0,66\%$ ва КТПОДли аёлларда – $65,0 \pm 11,18\%$ ни ташиқил этди; *P.Gingivalis* КТПЕДли ҳомиладорликнинг I триместрида $65,58 \pm 8,3\%$ дан иборат бўлди; II триместрда $70,31 \pm 6,91\%$ ва III триместрда $80,0 \pm 10,0\%$ дан; КТПОДдаги ажралиш даражаси, мос



2-расм. Ҳомиладорликнинг турли вақтларидаги оғиз суюқлигининг микрофлораси (гурӯҳлар фоизга кўра %)

равишда, $85,48 \pm 8,60\%$, $93,33 \pm 9,10\%$ ва $92,97 \pm 9,3\%$ ни; КТПОДда $85,02 \pm 8,40\%$, $96,42 \pm 7,24\%$ ва $96,0 \pm 6,30\%$ ни ташкил этди.

A.actinomycetencomitans нинг (*A.a*) ажралиш частотаси КТП оғирлик даражасининг ортиши ва ҳомиладорлик ривожланиши билан деярли ўзгармади ва назорат гуруҳида $15,0 \pm 0,8\%$ – $20,0 \pm 8,94\%$ ҳамда турли оғирликдаги КТПли ҳомиладорлар гуруҳида $16,30 \pm 8,94$ – $26,92 \pm 8,70\%$ миқдорида ўзгариб турди. Ҳомиладорлардаги патоген намуналар улуши ҳомиладор бўлмаганлардаги тегишли частотадан 1,5-1,89 марта юқори бўлди. Амалий жиҳатдан соғлом пародонтли ва пародонт касалига йўлиққан ҳомиладорлардаги пародонтопатогенлар ассоциацияларини ўрганилганда, ҳомиладорларда пародонтопатогенлар ассоциацияларининг учраш даражаси ҳомиладорлик ривожлангани сайин зўрайиши ва кескин ортиши аниқланди. Бунда назорат гуруҳида (соғлом пародонтли ҳомиладор бўлмаган аёллар) $20,0 \pm 8,9\%$ ҳолатда 1 пародонтопатоген микроорганизми борлиги маълум бўлди. Интакт пародонтли ҳомиладорларда пародонтопатогенлар ажралиши ҳомиладорлик ривожланиши билан қуйидагича бўлди: бунда I триместрда ҳомиладорларнинг $30,0 \pm 8,37\%$ ида 1 та микроорганизм, $3,33 \pm 3,27\%$ ида 2 та микроорганизм топилган. II триместрда ҳам шундай динамика қайд этилди: $33,33 \pm 9,07\%$ ва $11,11 \pm 6,05\%$. III триместрда эса $44,0 \pm 9,92$ ва $20,0 \pm 8,0\%$.

Пародонтит билан касалланган аёлларда, одатда, бир ва ундан ортиқ пародонтопатоген аниқланган, барча оғир даражадаги КТПда икки ёки ундан ортиқ микроорганизмларнинг аниқланиши ҳомиладорларда юқори бўлди. КТПЎОД ва КТПОДда 100% ҳолатда ўрганилаётган пародонтопатогенлар қайд этилди, 4 ва 5 та микроорганизм ассоциацияларининг учраш даражаси юқори бўлиб, ҳомиладорлик ривожлангани сари зўрайиши ҳамда *P.Gingivalis*, *P.intermedia*, *T.Forsythensis* ассоциациялари кўп кузатилиши аниқланди. *P.Gingivalis*, *T.Forsythensis* ва *T.Denticola* қизил комплекси пародонт тўқималарига ўзига хос таъсир кўрсатади ва клиник жиҳатдан яққол намоён бўлди (аниқ кузатилган яллиғланиш реакцияси ва зондлашдаги қон оқиши). Мазкур ассоциация вакиллари *P.Gingivalis* ва *T.Forsythensis*лар кучли протеазали фаолликка эга бўлди (*Socranshn*). Гингивитли ҳомиладорларда ушбу ассоциация «қизил комплекс» вакиллариининг учраши ҳомиладор бўлмаганларга нисбатан 1,25, КТПЕДли аёлларга нисбатан 2,25, КТПЎОДли аёлларга нисбатан 2,63 ва КТПОДли аёлларга нисбатан 3,02 марта юқори бўлди.

